

«Келишилди»
“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил 11 октябрдаги 4-сон
йиғилишида кўриб чиқилди

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“UzAssets инвестиция компанияси” АЖ
Ягона акциядорининг
2023 йил 31 октябрдаги
7-сон қарори билан

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамиятининг
Ахборот сиёсати

Мундарижа

I. Умумий қоидалар.....	2
II. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари.....	4
III. Ахборот сиёсатини амалга ошириш.....	5
IV. Ахборотни ошкор қилиш усуллари ва шакллари.....	6
V. Мажбурий равишда ошкор қилиниши лозим бўлган ахборот.....	7
VI. Қўшимча ахборотларни ошкор этиш тартиби.....	10
VII. Ахборотни ошкор қилиш ваколати.....	12
VIII. Жамият Бошқаруви аъзолари ва ходимларининг манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинуви тартиби.....	13
IX. Жамиятда ахборот махфийлигини таъминлаш.....	14
1 §. Ахборот махфийлигини таъминлаш.....	14
2 §. Ахборот махфийлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар.....	14
3 §. Махфий ахборотдан иборат бўлган маълумотлар.....	15
4 §. Махфий ахборот ҳисобланмайдиган маълумотлар.....	17
X. Ахборот сиёсатига риоя этилиши устидан назорат.....	17
XI. Якуний қоидалар.....	18

“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг Ахборот сиёсати

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” (янги таҳрири), “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” (янги таҳрири) ва “Тижорат сири тўғрисида”ги қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сон, 2020 йил 30 октябрдаги “Давлат иштирокидаги хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 674-сон қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2383, 2012 йил 31 июль), Эмитентлар томонидан махфий ахборотни муҳофаза этишни ташкил этиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2081, 2010 йил 24 февраль), “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг Устави, Корпоратив бошқарув кодекси ва бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Сиёсат “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) фаолияти очиклигини таъминлаш, ошкор қилинадиган ҳамда муҳофаза қилинадиган ахборот турлари ва тоифаларини белгилаш, ахборотни ошкор этиш, сақлаш ва муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

Мазкур Сиёсат “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ давлат сирига оид маълумотлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солмайди.

3. Мазкур Сиёсатнинг мақсади:

манфаатдор шахсларнинг Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотга бўлган талабларини қондириш орқали Жамият фаолияти очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш;

Жамиятнинг корпоратив бошқарув стандартларига риоя этишга тайёрлигини тасдиқлаш;

Жамиятнинг ижобий имиджини шакллантириш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳисобланади.

4. Мазкур Сиёсатда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ахборот – тақдим этилиши ва/ёки маълум қилиниш шаклидан қатъий назар исталган турдаги Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотлар, маълумотлар, ҳисоботлар, ҳужжатлар, хабарлар ва янгиликлар;

ахборотни маълум қилиш – ахборотнинг мавжудлиги ва олинисини кафолатловчи жараёнга кўра, уни олиш мақсадидан қатъий назар чекланмаган шахслар гуруҳига ахборотга киришни таъминлаш;

ваколатли органлар – корпоратив бошқарув, қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари (Истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Марказий депозитарий” АЖ);

ихтиёрий асосда маълум қилинадиган ахборот – Жамиятнинг очиклиги ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида Жамиятнинг бошқарув ва ижроия органлари хоҳишига кўра ихтиёрий равишда маълум қилинадиган ахборот;

Жамият бошқарув ва ижроия органлари – Жамият Ягона акциядори, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви;

мажбурий равишда маълум қилиниши лозим бўлган ахборот – қонунчиликда ошкор қилиниши лозим бўлган ахборот;

манфаатдор шахслар – Жамиятнинг Ягона акциядори, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, Ички аудит хизмати, корпоратив котиби, шунингдек, ваколатли давлат органлари, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари, Жамият томонидан келишув асосида жалб қилинган мустақил аудиторлик ташкилотлар, кредит ташкилотлари, консалтинг ташкилотлари, баҳоловчи ташкилотлар, молия ташкилотлари (банклар, суғурта ташкилотлари ва ҳ.к.), рейтинг агентликлари, Жамият ҳақидаги ахборот олишдан манфаатдор жисмоний ва юридик шахслар, ҳақиқий ва потенциал инвесторлар, Жамиятнинг контрагентлари, ҳар қандай оммавий ахборот воситалари;

махфий ахборот – тоифалари Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган, Жамиятнинг бизнес манфаатларига оид бўлган, Жамият томонидан махфийлик режими ўрнатилган ва муҳофаза қилиш чоралари кўрилган, чекланган тоифадаги шахсларга маълум бўлган тижорат сири ва бошқа конфиденциал маълумотлар;

махфийлик режими – Жамиятда махфий ахборотни сақлаш ва муҳофаза қилиш, махфий ахборотни чекланган тоифадаги шахсларга ошкор қилиш, махфий ахборот билан ишлаш, ахборотни махфий тоифага киритиш ва ундан чиқариш билан боғлиқ чора-тадбирлар йиғиндиси;

чекланган тоифадаги шахслар – Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тоифадаги, махфий ахборотни олиш ва ундан фойдаланиш ваколатига эга Жамият бошқарув ва ижроия органлари аъзолари, ходимлари ва контрагентлари.

II. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари

5. Жамият ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари:

ахборотнинг асосланганлиги, тўлиқлиги, релевантлиги, мунтазамлиги;
ахборотни ошкор қилишдаги тезкорлик, тенглик ва мувозанатлилиқ;
ахборотнинг химояланганлиги.

Ахборотнинг асосланганлиги – ахборот Жамият томонидан бузилмаган, сохталаштирилмаган ҳолда, ҳаққоний равишда ошкор қилинади, ошкор қилинган ахборотни заруратга кўра тегишли маълумотлар ва ҳужжатлар билан тасдиқлаш имконияти мавжуд бўлади.

Ахборотнинг тўлиқлиги – ахборот Жамият томонидан яхлит ва тўлиқ ҳажмда, ишларнинг ҳолати тўғрисида энг тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини берадиган даражада ҳолис, мавжуд ютуқлар ёки аксинча салбий ҳолатлар яширилмасдан ошкор қилинади, махфий ахборот бундан мустасно.

Ахборотнинг релевантлиги – Жамият томонидан ошкор қилинадиган ахборот Жамият фаолиятига тегишли ҳисобланади, манфаатдор шахслар томонидан ахборотдан фойдаланиш ва таҳлил қилиш имконини яратиш учун мазкур ахборот бир хил шакл ва мазмунда баён қилинади.

Ахборот мунтазамлиги – ахборот Жамият томонидан қонунчиликда белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда доимий ва мунтазам равишда ошкор қилиб борилади.

Ахборотни ошкор қилишдаги тезкорлик – манфаатдор шахсларнинг манфаатларида дахлдор, Жамият молия-ҳўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи муҳим ҳодиса ва фактлар тўғрисидаги ахборот имкон қадар қисқа муддатларда тезкорлик билан ошкор қилинади.

Ахборотни ошкор қилишдаги тенглик – Жамият барча манфаатдор шахсларга ахборотни олиш ва ундан фойдаланишда тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар яратиб беради.

Ахборотни ошкор қилишдаги мувозанатлилиқ – Жамият ахборотни ошкор қилишда ўз манфаатларига қатъий риоя қилади, манфаатдор шахсларнинг ахборотга бўлган ҳуқуқи ва Жамият манфаатлари ўртасида оқилона мувозанатга эришиш чораларини кўради, ахборот Жамият манфаатларига путур етказиши мумкинлиги ҳақида етарли асослар бўлганда, бундай ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилади, мажбурий равишда маълум қилиниши керак бўлган ахборот бундан мустасно. Бунда, қуйидагилар мажбурий шарт ҳисобланади:

махфий ахборотни муҳофаза қилиш;

қонунчилик ва Жамият ички норматив ҳужжатларига асосан

инсайдерлик маълумотларини тарқатишни олдини олиш.

Ахборотнинг химояланганлиги – ахборотни ошкор қилиш ва узатиш (тарқатиш) тартиби бузилиши натижасида Жамиятга моддий ва бошқа зарарлар етказилишининг олдини олиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда махфий ахборот муҳофаза қилиш, шунингдек Жамиятга оид бошқа ахборотлар инсайдерлик мақсадларида фойдаланиш хавфларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чоралари кўрилади.

III. Ахборот сиёсатини амалга ошириш

6. Ахборот сиёсатини амалга ошириш учун:

а) Кузатув кенгаши:

ошкор этилиши Жамият манфатларига зарар етказиши мумкин бўлган махфий ахборотни ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини белгилайди ва махфий ахборотнинг сақланишини таъминлашга қўмаклашадиган зарур чоратадбирларни белгилайди;

Жамият тўғрисидаги ахборот ошкор қилиниши ва тарқалиши устидан назорат ўрнатади, ахборотларнинг ошкор қилиниши ва махфий ахборотларнинг муҳофаза қилиш бўйича Кузатув кенгаши ва Бошқарув аъзоларининг ваколатлари ва жавобгарлигини белгилайди;

б) Бошқарув:

Қонунчилик, ваколатли органлар қарорлари, Жамият Устави, Жамият ички норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ ошкор этилиши мажбурий бўлган ахборотнинг ҳисобини юритади;

ушбу Сиёсат талабларини бажариш учун Жамиятда ягона ахборот тизимини шакллантиради, Жамият ичида ходимлар орасида ахборот алмашинуви, Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилиниши учун етарли даражада химояланган ахборот-коммуникация технологиялари самарали фаолиятини йўлга қўяди;

Жамият тўғрисидаги ахборотларнинг ошкор қилиш тамойилларига амал қилиниши, махфий маълумотларнинг сақланиши ва муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича масъул шахсларни тайинлайди, уларнинг вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди;

Жамият ходимлари билан ахборотларни сақлаш ва уларни муҳофаза қилиш, ўзига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилмаслик тўғрисида битимлар тузади.

7. Жамият ўз ижобий имиджини шакллантириш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш доирасида Корпоратив бошқарув кодексининг тамойилларига асосланган ҳолда Жамият фаолиятининг жорий ҳолати ҳақида маълумотлар, тушунтиришлар ва расмий изохлар бериш ҳамда Жамият

фаолиятини таҳлил қилиш ва пухта ўйланган инвестиция қарорларини қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларни бериш орқали инвесторлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан доимий мулоқотда бўлади.

8. Манфаатдор шахслар учун мўлжалланган ахборотлар, шунингдек мавзуга оид тушунтиришлар ва янгиликлар Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштириб борилади.

9. Мазкур Сиёсатни амалга ошириш учун Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ахборотни ошкор қилишга масъул ходимига ўзлари ва ўзларининг аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Жамият томонидан қонунчилик талабларига риоя этиши ҳақидаги зарур ахборотларни тақдим этиб боради. Тақдим этилган ахборотлар ўзгарган, қисман ёки тўлиқ эскирган тақдирда, Жамият мансабдор шахслари зудлик билан энг сўнгги актуал маълумотлар билан бирга янгиланган ахборотни масъул ходимга тақдим этиб бориши шарт.

IV. Ахборотни ошкор қилиш усуллари ва шакллари

10. Ахборотни ошкор қилиш усуллари ва шакллари Жамият томонидан барча манфаатдор шахсларнинг ахборотлардан эркин фойдаланиш имконини берадиган тарзда танланади.

11. Ахборотлар қуйидаги усуллар ва шаклларда ошкор этилиши мумкин:

а) ваколатли органларнинг ёки улар томонидан белгилаб қўйилган (вакил қилинган) веб-сайтида жойлаштириш;

б) Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштириш;

в) оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш (нашр қилиш);

г) ягона корпоратив маълумотлар порталида (www.openinfo.uz), қимматли қоғозлар фонд биржаси веб-сайтида (www.uzse.uz) жойлаштириш;

д) Кузатув кенгаши амалдаги таркиби, таркибдаги ўзгаришлар, мавжуд бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотларни “www.cns.davaktiv.uz” порталида жойлаштириш;

е) даврий нашрларда ахборотларни эълон қилиш;

ж) ахборот брошюралари, буклетлар, плакатлар ва бошқа ахборот материаллари тайёрлаш ва тарқатиш;

з) манфаатдор шахслар, ОАВ вакиллари билан суҳбатлар, конференциялар, брифинглар ва бошқа хилдаги учрашувлар ўтказиш, уларнинг Жамият биносига ташрифларини ташкиллаштириш;

и) манфаатдор шахслар сўровига асосан Жамиятга тегишли ахборотдан фойдаланиш ва улардан нусха олиш имкониятини яратиш, сўровлар бўйича зарур ҳолларда тушунтириш ва изоҳлар бериш, махфий ахборот бундан мустасно;

к) қонунчиликда ва Жамият қарори билан белгиланган бошқа ҳар

қандай усулда ва шаклда.

12. Жамият Ягона акциядор вакиллари, ваколатли органлар, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари, Жамият томонидан жалб қилинган мустақил аудиторлик ташкилотлар, кредит ташкилотлари, консалтинг ташкилотлари, баҳоловчи ташкилотлар, молия ташкилотлари, рейтинг агентликлари вакиллари, инвесторлар билан қуйидаги муносабатлар ўрнатиши ва ахборот алмашиши мумкин:

Жамият фаолияти тўғрисидаги презентациялар ўтказиш;
аудио/видео конференц-алоқалар ўтказиш;
электрон платформаларда муҳокама майдончаларини ташкил этиш;
электрон почта орқали ишбилармонлик ёзишмалари олиб бориш.

V. Мажбурий равишда ошкор қилиниши лозим бўлган ахборот

13. Жамият қонунчиликка мувофиқ ҳажмларда, муддатларда ва усулларда мажбурий ошкор қилинадиган маълумотларни ошкор этади.

14. Мажбурий ахборотни ошкор этилиши:

ягона корпоратив маълумотлар порталида (www.openinfo.uz), қимматли қоғозлар фонд биржаси веб-сайтида (www.uzse.uz), Кузатув кенгаши амалдаги таркиби, таркибдаги ўзгаришлар, мавжуд бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотлар “www.cns.davaktiv.uz” порталида;

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;

оммавий ахборот воситаларида ахборотларни жойлаштириш (эълон қилиш) орқали амалга оширилади.

15. Ягона корпоратив маълумотлар порталида (www.openinfo.uz), қимматли қоғозлар фонд биржаси веб-сайтида (www.uzse.uz), Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида мажбурий ошкор этилишидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилар:

қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (қимматли қоғозларни оммавий жойлаштирган тақдирда);

Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, шунингдек Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (IFRS) мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботи;

Ҳисобот йилининг биринчи чорак, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ойлик яқунлари бўйича Жамият ҳисоботлари;

Жамият фаолиятидаги муҳим факт тўғрисидаги хабарларни.

Жамият юқорида кўрсатилган маълумотларни “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ва Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидаларига (31.07.2012 йилдаги 2383-сон)да белгиланган тартибда ва шаклда ошкор

қилади.

16. Жамиятнинг қимматли қоғозлари Фонд биржасининг биржа котировкалари варақасига (листинг) киритилган ва (ёки) жойлаштирилган тақдирда, Жамият листинг талабларига (“Тошкент” РФБ АЖ Кузатув кенгаши томонидан 09.07.2020 й.даги 1-сон баён билан тасдиқланган “Тошкент” фонд биржасининг биржа котировкалари варақаси тўғрисидаги Низом) асосан барча зарур маълумотларни ошкор этади. Жамият қимматли қоғозлари Фонд биржаси листингида бўлмаса, Жамият ўз корпоратив веб-сайтида ахборотни ошкор қилишда листинг талабларига риоя қилишга интилади.

17. Жамият ўз корпоратив веб-сайтига эга бўлади ҳамда унинг Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сон қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ юритилишини таъминлайди.

Жамият корпоратив веб-сайтида қуйидаги маълумотлар мажбурий жойлаштирилади:

Жамият фаолиятининг предмети ва мақсадлари;

Жамиятнинг устави, шу жумладан унга ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда жамиятнинг тасдиқланган бизнес-режалари;

Жамиятни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ахборот;

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси, унинг таркибий бўлинмалари, филиаллари, ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг номи, уларнинг телефонлари рақамлари, манзили (почта ва электрон манзиллари), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг раҳбарлари (директор ва бошқарув раиси) тўғрисидаги маълумотнома ахборот;

бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият ёки унинг бошқарув органлари томонидан тузилган коллегиял ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати;

корпоратив бошқарув масалалари бўйича Жамиятнинг ички ҳужжатлари, шу жумладан Ягона акциядор томонидан тасдиқланган корпоратив бошқарув кодекси;

“Қимматли қоғозлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 44-моддасига мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган жамият фаолиятидаги муҳим фактлар;

Ягона акциядор томонидан қабул қилинган қарорлар (ушбу қарорлар

қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида эълон қилинади);

қимматли қоғозлар эмиссияси проспекtlари, шунингдек қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган жамиятнинг чораклик ва йиллик ҳисоботлари;

Жамият томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, матбуот-релизлар ва кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборот;

Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар) рўйхати ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар;

товарларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича Жамият ва унинг ташкилотлари томонидан ўтказиладиган очик танловлар (тендерлар) ва кимошди савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг молия-хўжалик ҳолатини ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар, жамият фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий шарҳлар, шунингдек Жамият фаолиятининг самарадорлиги, шу жумладан ижроия органининг самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида маълумот;

охирги уч йилда ҳисобланган ва тўланган дивидендлар, шу жумладан қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотлар, акциядорлар томонидан дивидендларни олиш учун боғланиш маълумотлари ва бошқа маълумотлар;

йиллик молия-хўжалик фаолиятни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси;

Жамият томонидан ўз акцияларининг сотиб олиниши тўғрисидаги маълумотлар;

корпоратив веб-сайтдаги ахборот материалларидан бошқа шахслар фойдаланганда Жамиятнинг корпоратив веб-сайтига мажбурий ҳаволалар кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштиришни зарур деб ҳисоблайдиган бошқа маълумотлари.

18. Оммавий ахборот воситаларида мажбурий ошкор этиладиган маълумотлар қуйидагилардан иборат:

Жамият манзили (почта манзили) ва электрон почта манзилининг ўзгарганлиги тўғрисидаги хабар;

Жамият Ягона акциядорига акциялар ёки эмиссиявий қимматли қоғозлар сотиб олиш бўйича таклиф;

Жамият томонидан сотиб олинган акциялар тўғрисидаги маълумот;

Жамият тугатилиши тўғрисида ҳамда унинг кредиторлари томонидан талаблар қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ахборот.

19. Жамият қонунлар билан назарда тутилган ахборотни етказиш учун бошқа манбаларда ҳам Жамият тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиш мумкин.

20. Жамият Бошқаруви қарори билан мажбурий ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотни ошкор қилиш учун масъул бўлган Жамият таркибий бўлинмалари, уларнинг вазифалари, шу жумладан ҳар бир мажбурий ошкор қилинадиган ахборотни ошкор қилиш муддатлари, шакли ва тартиби белгиланади.

Мазкур Бошқарув қарори Жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимлари, шунингдек Кузатув кенгашига бўйсунувчи бўлинмалар томонидан бажарилиши шарт.

VI. Қўшимча ахборотларни ошкор этиш тартиби

21. Жамият ўз фаолияти тўғрисидаги қўшимча маълумотларни Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ошкор қилади.

Жамият корпоратив веб-сайти Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сон қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларининг корпоратив веб-сайтларига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ тузилган бўлиши, фойдаланувчилар учун қулай ва осон интерфейсга эга бўлиши лозим. Жамият корпоратив веб-сайти давлат тилида юритилади, заруратга кўра унинг инглиз ва бошқа чет тилларидаги версиялари ҳам юритилиши мумкин.

Жамият корпоратив веб-сайти заруратга кўра, лекин камида ҳафтада бир марта янгилаб борилади.

22. Жамият корпоратив веб-сайтида, мазкур Сиёсатнинг 17-бандида санаб ўтилган мажбурий ошкор қилинадиган ахборотларда ташқари, қуйидаги қўшимча ахборотларни ошкор этади:

Жамият тўғрисидаги умумий маълумот, Жамият миссияси ва олдида қўйилган вазифалар;

Жамият Ягона акциядори тўғрисидаги маълумот;

Жамият ривожланиш стратегиялари ва бизнес-режалари ижроси ва эришилган натижалар, фаолиятнинг энг муҳим молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари, Жамият мақсадларига эришиш натижалари ҳақидаги маълумотлар;

Жамиятнинг иқтисодий, молиявий ва бошқа статистик маълумотлари, шу жумладан, чорақлик ва йиллик ҳисоботлари, Жамият бизнес-режасининг ҳамда ривожланиш стратегияларида назарда тутилган дастурларнинг

бажарилиши натижалари тўғрисидаги ҳисобот;

Жамиятнинг Корпоратив бошқарув кодекси, шунингдек корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мажбуриятларини қабул қилиш тўғрисидаги ахборот;

Ахборот сиёсати, корпоратив этика қоидалари (Ахлоқ кодекси), Дивиденд сиёсати матни;

Жамиятда рискларни бошқариш тўғрисидаги ички норматив ҳужжатлар, рискларни бошқариш соҳасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият ички аудит хизмати фаолияти, ўтказилган ички аудит текширувлари натижалари;

Кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги шахсий маълумотлар: Кузатув кенгаши аъзосининг фотосурати; фамилияси, исми ва отасининг исми; туғилган санаси; мақоми; Кузатув кенгаши аъзоси функцияларини бажариши, шу жумладан қўмиталарга аъзолиги; маълумоти ва профессионал ихтисослиги, сўнгги беш йил давомидаги иш тажрибаси, асосий иш жойи ва эгаллаб турган лавозими тўғрисидаги маълумотлар;

Бошқарув аъзолари тўғрисидаги шахсий маълумотлар: Бошқарув аъзосининг фотосурати; фамилияси, исми ва отасининг исми; туғилган санаси; лавозими ва вазифалари; Бошқарув аъзоси сифатидаги функциялари; маълумоти ва профессионал ихтисослиги, сўнгги беш йил давомидаги иш тажрибаси, ўриндошлик асосида эгаллаб турган лавозимлари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизими фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижалари;

сўнгги уч йил давомида жалб қилинган ташқи аудиторлик ташкилотлари, уларга тўланган ҳақ миқдори, шунингдек алоҳида аудиторлик хизматлари ва аудиторлик текшируви билан боғлиқ бўлмаган молиявий ҳисоботлар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият бошқарув ва ижроия органининг йил якунлари бўйича фаолияти самарадорлиги юқори баҳоланган тақдирда, уларга Жамият Ягона акциядори қарори билан олинган соф фойданинг беш фоизигача бўлган миқдорда, белгиланган тартибда бир йўла тўланган бонус миқдори тўғрисидаги ахборот (тўлов амалга оширилган санадан бошлаб икки кун муддатда веб-сайтига жойлаштирилади);

корпоратив харидлар, шу жумладан Жамиятда тасдиқланган харид қилиш қоидалари, харид режаси, харид қилиш тўғрисидаги эълонлар ва харид қилиш тартиб-таомилларининг натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият акцияларининг котировкалари ҳақидаги маълумотлар, уларнинг

таҳлили, мутахассислар ва экспертлар прогнозлари натижалари;

Жамият бизнеси турлари бўйича капитал қийматининг аҳамияти ва бундай кўрсаткичларга асосланган ҳолда Жамият капиталининг ўртача қиймати;

Жамият томонидан кўрсатилган ёки олинган ҳомийлик, хайрия ва беғараз ёрдам тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият томонидан олинган молиявий ёрдам тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат органларидан олинган қафолатлар, молиявий маблағлар;

Жамият фаолиятига оид янгиликлар ва матбуот-релизлар;

Жамиятга мурожаат қилиш учун алоқа каналлари (телефон рақами, почта манзили ва индекси, электрон почта манзили, телеграм-бот ва ҳ.);

Жамиятда коррупцияга қарши курашишга оид тасдиқланган ички норматив ҳужжатлари, коррупцияга қарши курашишга бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ҳисоботлар, коррупцияга оид хабарларни юбориш учун алоқа каналлари ҳақидаги маълумотлар.

23. Жамият қонунчиликда ахборотни ошкор қилиш учун назарда тутилган, шунингдек ўз танлови асосида бошқа манбаларда ҳам ахборотларни ошкор этиши мумкин.

VII. Ахборотни ошкор қилиш ваколати

24. Ахборотни ошкор қилиш ва Жамият номидан изоҳлар тақдим қилиш ҳуқуқига мазкур Сиёсат ва Жамият ички норматив ҳужжатларига мувофиқ фақат Жамиятнинг Кузатув кенгаши раиси ҳамда унинг рухсати билан Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув раиси ва унинг рухсат билан Бошқарув аъзолари, ўз ваколати доирасида Жамият корпоратив котиби ва матбуот котиби, Жамият Бошқаруви раиси рухсати билан бошқа ходимлари эга.

25. Жамият томонидан мажбурий равишда ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотни ягона корпоратив маълумотлар порталида (www.openinfo.uz), қимматли қоғозлар фонд биржаси веб-сайтида (www.uzse.uz), Кузатув кенгаши амалдаги таркиби, таркибдаги ўзгаришлар, мавжуд бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотлар www.cns.davaktiv.uz порталида, шунингдек Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида ошкор қилиш фақат Жамият корпоратив котиби томонидан амалга оширилади.

Жамият томонидан мажбурий равишда ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотни оммавий ахборот воситаларида ошкор қилиш Жамият корпоратив котиби ва матбуот котиби томонидан ҳамкорликда амалга оширилади.

Жамият корпоратив веб-сайтида мажбурий ва қўшима ошкор қилинадиган ахборотни ошкор қилиш Жамият матбуот котиби томонидан Жамият корпоратив котиби билан келишган ҳолда амалга оширилади.

26. Жамият Кузатув кенгаши раиси ёки у ваколат берган Кузатув кенгашининг бошқа аъзоси Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни расмий шарҳлашга, Жамиятда махфий ахборотни сақлаш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабларга риоя қилган ҳолда Кузатув кенгаши нуқтаи назарини ифодалашга, шу жумладан бу масалада оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишга ҳақли.

27. Жамият Бошқаруви раиси ёки у ваколат берган Бошқарув аъзоси Жамият номидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишга ҳақли.

28. Жамият Бошқаруви раиси қарори ёки рухсати билан Жамият матбуот котиби ёки ходими Жамиятнинг тегишли соҳадаги фаолияти ёки тегишли таркибий бўлинмасининг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиши мумкин.

VIII. Жамият Бошқаруви аъзолари ва ходимларининг манфаатдор шахслар билан ахборот алмашинуви тартиби

29. Жамият манфаатдор шахслари Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни ягона корпоратив маълумотлар порталидан (www.openinfo.uz), қимматли қоғозлар фонд биржаси веб-сайтидан (www.uzse.uz), www.cns.davaktiv.uz порталидан, шунингдек Жамиятнинг корпоратив веб-сайтидан олади.

Жамиятнинг Ягона акциядори вакиллари, Кузатув кенгаши аъзоларининг Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиш ҳақидаги сўровларини олиш ва унга жавобан Жамият Бошқарув аъзоларининг ва ходимларининг ўз вақтида батафсил маълумот бериши учун Жамият корпоратив котиби масъул ҳисобланади. Жамият корпоратив котиби бундай сўровлар келиб тушган кундан бошлаб, уларда бошқача муддат белгиланмаган бўлса, етти кун ичида ушбу сўровларга жавобан маълумот тақдим қилиши лозим.

Бошқа манфаатдор шахсларнинг Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиш ҳақидаги сўровлари Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун масъул бўлинмаси томонидан кўриб чиқилади ҳамда тижорат сири тўғрисидаги қонунчилик ва Жамиятда махфий ахборотни ҳимоя қилиш бўйича ички норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда жавоб хати берилади. Бундай сўровлар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

30. Жамият, сўровга асосан зарур ҳолларда ҳужжатлардан нусхалар берганда, ҳужжат нусхаларини тақдим этганлик учун ҳамда почта харажатларини қоплаш учун тўлов талаб қилишга ҳақли, бунда ушбу тўлов миқдори Жамиятнинг ҳужжатлардан нусха олиш ва уларни юбориш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар миқдоридан ошмаслиги лозим.

IX. Жамиятда ахборот махфийлигини таъминлаш

1 §. Ахборот махфийлигини таъминлаш

31. Жамият махфий ахборотнинг лозим даражада сақланиши ва ҳимоя қилиниши учун зарур ташкилий ва техник чора-тадбирларни кўради, махфий ахборот билан танишиш ва ундан фойдаланишга ҳақли бўлган шахслар доирасини белгилайди ва чеклайди.

32. Жамият, Ягона акциядор махфий ахборотни сақлаш ва ҳимоя қилиш ишлари Эмитентларнинг махфий маълумотларини ҳимоя қилишни ташкил этиш ҳақидаги Йўриқнома (рўйхат рақами 2081, 2010 йил 24 февраль), бошқа қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади.

33. Ахборотларнинг махфий ахборот деб топиш, шунингдек махфий ахборотлардан махфийлик режими олиб ташлаш, ахборотнинг махфийлик муддатини белгилаш Кузатув кенгаши ёки Бошқарув қарори билан амалга оширилади.

Махфий ахборотларни муҳофаза қилиш Жамият томонидан уларнинг махфийлиги олиб ташлангунига қадар ёки муддати ўтканга қадар амалга оширилади.

34. Ягона акциядор вакили, Кузатув кенгаши раиси ва аъзолари, Бошқарув раиси ва аъзолари, Жамият ходимлари, улар билан Жамият ўртасида махфий ахборотни тарқатмаслик тўғрисидаги битим тузилгандан сўнггина махфий ахборот билан танишишга ва фойдаланишга ҳақли ҳисобланади.

35. Давлат органларига махфий ахборотни ошкор қилиш қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда Кузатув кенгаши ёки Бошқарув қарори билан амалга оширилади.

2 §. Ахборот махфийлигини таъминлаш бўйича мажбуриятлар

36. Ягона акциядор, Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув аъзолари, Жамият мансабдор шахслари ва ходимлари ўзларига маълум бўлган Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни сақлаш ва ҳимоя қилиш бўйича талабларга риоя қилишлари, махфий ахборотдан учинчи шахсларнинг тегишли рухсатсиз танишиши ёки фойдаланишининг, махфий ахборотнинг бузиб кўрсатилиши ёки йўқ қилинишига олиб келадиган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш чораларини кўриши шарт.

37. Махфий ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг мажбуриятлари:

махфий ахборотдан ноқонуний фойдаланиш ва/ёки унинг тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек махфий ахборотнинг уларга боғлиқ бўлган ноқонуний фойдаланилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

улар томонидан амалга оширилган Жамиятнинг қимматли қоғозлари билан амалга оширилган операциялар тўғрисида, нархи Жамият қимматли қоғозларига боғлиқ бўлган ҳосилавий-молиявий асбоблар ҳисобланадиган шартномалар тузилганлиги тўғрисида Жамияни хабардор қилиш;

Жамият томонидан белгиланган конфиденциллик режимига риоя қилиш;

махфий ахборотдан Жамиятнинг розилигисиз ва у билан келишилмаган ҳолда фойдаланмаслик, уни тақдим этмаслик ва тарқатмаслик;

манфаатдор шахс мақоми йўқолган тақдирда ичида (хотирасида) махфий ахборот бўлган моддий маълумот ташувчиларини (қоғоздаги ҳужжатлар, электрон хотира қурилмалари ва ҳ.) Жамиятга қайтариш, шунингдек унга электрон кўринишда тақдим этилган махфий ахборотни йўқ қилиш (ўчириб ташлаш);

зудлик билан бевосита раҳбарни ва Бошқарув раисини маълумотлардан рухсатсиз фойдаланиш ҳолатлари юзасидан унга маълум бўлган барча фактлар, шу жумладан моддий ташувчиларнинг, махфий ахборотни сақлаш воситаларининг (сейфлар ва сақлаш хоналарининг калитлари, муҳрлар, гувоҳномалар, рухсатномалар, пароллар ва ҳ.к.) йўқолиши, шикастланиши, етишмовчилиги ҳақидаги фактлар тўғрисида хабардор қилиш;

Жамиятга бегона шахсларнинг, шунингдек махфий ахборот билан ишлаш мумкин ваколати бўлмаган Жамият ходимларининг махфий ахборот билан танишишига йўл қўймайдиган режим талабларини бажариш;

иш юзасидан музокаралар олиб борилганда махфий ахборотнинг тарқалишига йўл қўймаслик.

3 §. Махфий ахборотдан иборат бўлган маълумотлар

38. Тижорат тусидаги маълумотлар:

Жамият томонидан шартномалар тузиш шартлари, уларнинг мазмуни ва ҳақиқатдан ҳам тузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият бирга ишлайдиган пудратчилар ва бошқа контрагентлар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг контрагентлар билан музокаралар ўтказганлиги ва ушбу музокараларнинг мазмуни тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият томонидан сотилган товарларнинг (ишлар, хизматлар) нархининг шаклланиши ва ҳисоб-китоблари тўғрисидаги, берилган чегирмаларнинг миқдори ва шартлари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият хизматларининг нархи ва харажатларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг ички аудит ва бошқа ички текширувлар ўтказиш жадваллари;

Жамиятнинг ички молиявий ҳисоботлари;

Жамиятнинг кредитлаш, молиявий сиёсати, режалаштирилаётган молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият контрагентларининг шартнома асосида берилган тижорат сирларидан иборат бўлган маълумотлар;

махфийлик шарти шартномаларда ва бошқа битимларда белгиланган маълумотлар.

39. Техник тусга эга бўлган маълумотлар:

патентлик ҳуқуқи билан ҳимояланмаган ихтиролар ва рационализаторлик таклифлари, илмий-техник ишланмалар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятдаги маълумотлар базалари ва уларнинг тузилиши, мазкур базаларга уланган Жамият компьютер техникаларининг дастурий таъминоти, шунингдек Жамият томонидан (Жамият буюртмаси ва маблағи ҳисобига) яратилган компьютер дастурлари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг компьютер техникалари ва тармоқларидан фойдаланиш шартлари, пароллари, кодлари, тизимлари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг техникавий лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар;

саноат намуналари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият томонидан фойдаланиладиган техник қўриқлаш воситалари ва ички хавфсизликни таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг алоқа таъминоти схемалари тўғрисидаги маълумотлар.

40. Бошқарув ва ташкилий тусдаги маълумотлар:

Жамиятда ҳужжатлар алмашинуви, иш юритишни ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятни қўриқлаш тизими тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият ички хавфсизлиги тизими, Жамият ички хавфсизлиги тизимини таъминлашда иштирок этувчи ходимлар сони;

Жамият ходимларининг шахсий йиғма жилдлари, персонал маълумотлари;

махфий ахборотни муҳофаза қилишни ташкил этиш, махфий ахборотдан фойдаланиш тартиби, махфий ахборотни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятда рухсатномалар режими, сигнализация тизими тўғрисидаги маълумотлар.

Кузатув кенгаши ёки Бошқарув қарори билан мазкур бандда кўрсатилмаган бошқа турдаги ахборот ҳам махфий ахборот деб топилиши мумкин.

4 §. Махфий ахборот ҳисобланмайдиган маълумотлар

41. Қуйидаги маълумотлар махфий ахборот ҳисобланмайди:

мажбурий равишда ва қўшимча ошкор этиладиган ахборотлар;

Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган мулк ҳуқуқлари ва улар бўйича битимлар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятга ваколатли давлат органлари томонидан берилган лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар, сертификат ва гувоҳномалар, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар;

ходимлар сони, уларга тўлов миқдорлари, меҳнат шароитлари, шу жумладан меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликлари, шунингдек бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

Жамиятнинг ходимлари олдидаги иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар бўйича қарзлари ҳақидаги маълумотлар;

қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликка тортиш фактлари ҳақидаги маълумотлар;

Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати ҳақидаги маълумотлар;

Жамиятнинг солиқ ва статистика органларига тақдим этиш учун тайёрланган ҳисоботлари.

Х. Ахборот сиёсатиға риоя этилиши устидан назорат

42. Мазкур Сиёсат ижросини таъминлаш Бошқарув томонидан, Сиёсат ижросини назорат қилиш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Ахборотни ошкор қилишда Жамият ахборот сиёсатининг асосий тамойилларига риоя қилиниши учун Бошқарув раиси масъулдир.

Ахборотнинг ўз вақтида, сифатли, аниқ ва тўлиқ ошкор этиш Бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларидан бири, шунингдек уларга мукофотлар (бонуслар) тўлаш шартларидан бири ҳисобланади.

43. Корпоратив котибнинг мажбурий равишда ошкор қилиниши лозим бўлган ахборотни мазкур Сиёсатда кўрсатилган сайтлар ва платформаларда ўз вақтида, ҳаққоний, сифатли ва тўлиқ ҳажмда эълон қилиш бўйича фаолияти устидан назорат Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

Бошқарув:

Жамият матбуот котибининг ахборотни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш бўйича фаолияти устидан;

Жамиятнинг матбуот котиби ва Жамият корпоратив веб-сайтининг фаолият юритиши учун масъул таркибий бўлинма томонидан ахборотни ошкор қилиши устидан назоратни амалга оширади.

44. Кузатув кенгаши ҳар чоракда ушбу Сиёсат талабларини бажарилиши борасида Ижроия органи ҳисоботларини эшитади.

XI. Яқуний қоидалар

45. Мазкур Сиёсат талабларини бузган айбдор шахслар қонунчиликда ва Жамият ички норматив ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

46. Мазкур Сиёсатда тартибга солинмаган масалалар қонунчилик, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатлари билан тартибга солинади.

47. Мазкур Сиёсатга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Ягона акциядорнинг қарори билан киритилади.

48. Мазкур Сиёсатнинг баъзи нормалари қонунчиликка ёки Жамият Уставига киритилган ўзгартиришлар натижасида уларга зид бўлган тақдирда, мазкур нормалар ўз кучини йўқотади, ушбу Сиёсат қонунчилик ва Жамият Уставига зид бўлмаган қисмида қўлланилади.

49. Мазкур Сиёсат Ягона акциядор қарори билан тасдиқланган кундан кучга киради.